

УДК: 621.303

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭНЕРГИЯ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА ВА
ТЭЖАМКОР БОШҚАРИШДА ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН
МАЪЛУМОТЛАР ТЎПЛАМИ ЎРГАНИШ .**

Нуров Хомид Иброхимович, Жумаев Ахром Асрор ўғли - Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти Бухоро филиали, Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти кафедраси ўқитувчиси,

Сирожев Жовид Жахонвич, Ғойипов Азизбек Шермат ўғли, Ҳамроев Илхомжон Файзулло ўғли - Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти Бухоро филиали талабаси.

Аннотация. Қишлоқ хўжалиги бош энергетик бўлимида қишлоқ хўжалиги энергия хўжалигини тавсифловчи маълумотлар базасини яратиш ва шу асосда қишлоқ хўжалигида энергия истеъмоли бўйича электр таъминоти тизимининг барча босқичларида таҳлилий маълумотлар олиш имконини берувчи дастурлар яратиш энергия тежаш имкониятларини аниқлаб беради .

**Study of the set of data required for rational and economical management
of energy activities in agriculture.**

Nurov Homid Ibrokhimovich, Jumaev Akhrom Asror ogli - Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers Bukhara branch, Teacher of the Department of Agriculture and Water Resources Energy Supply,

Khusanov Husan Khursand oglu Goipov Azizbek Shermat oglu KHamroyev Ilkhomjon Fayzullo ogli - Bukhara branch of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, a student.

Annotation. The creation of a database describing the agricultural energy sector in the main energy department of agriculture and, on this basis, the creation of programs that allow to obtain analytical data on energy consumption in agriculture at all stages of the power supply system will identify energy saving opportunities.

Маълумки, электр энергиясининг асосий истеъмолчиси қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бу йўналишдаги дастлабки қадамни қишлоқ хўжалигидаги электр энергияси истеъмоли бўйича маълумотлар базасини яратишдан бошлаш

мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалиги бош энергетик бўлимида қишлоқ хўжалиги энергияхўжалигини тавсифловчи маълумотлар базасини яратиш ва шу асосда қишлоқ хўжалигида энергия истеъмоли бўйича электр таъминоти тизимининг барча босқичларида таҳлилий маълумотлар олиш имконини берувчи дастурлар яратиш энергия тежаш имкониятларини аниқлаб беради . Албатта, бундай ахборот тизими замонавий рақамли электрон ҳисоблагичларга асосланган техник қайдлов тизими ўрнини боса олмайди. Аммо, ахборот-таҳлилий тизимни техник қайдлов тизими бўлмаган қишлоқ хўжалигида қўллаш энергия тежаш тадбирларини самаралироқ ташкил этиш имкониятини яратади. Энергиятежаш бўйича тадбирлар учун энергоаудитор қишлоқ хўжалиги электр таъминоти бўйича тўлиқроқ маълумотни олиши керак, электр энергиясини истеъмол графиклари, қувватлар оқимини қўйилиш нуқтасига тақсимланиши бўйича, технологик ва энергетик ускуналарни тўла рўйхати бўлиши лозим. Ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича тўла маълумот охириги йил бўйича бўлиши лозим. Бу каби маълумотлар ташкил этилган ахборот тизимидан олинади ва энергия аудити текширувларини самаралироқ ташкил этиш имконини беради. Бундай маълумотлар базасига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилар, жорий вақт бўйича энергиядан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларни тезкор олиш имконияти, электр таъминоти тизими барча босқичлари бўйича энергия балансларини аниқлаб бериши, саноат корхонаси электр таъминоти тизимининг барча элементлари бўйича ёйилма маълумотларни тақдим этмоғи лозим. Маълумотлар базасини электрон кўринишда яратилиши бундай имкониятларни яратади. Бунинг учун у қуйидаги таркибий қисмларга эга бўлиши лозим. 1. Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти тизими барча элементлари ва технологик ускуналарнинг электр истеъмолчилари бўйича маълумотлар базасига эга бўлиши. 2. Жорий вақт бўйича энергиядан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш дастурини ўз ичига олиши. 3. Маълумотлар ташқи дастурлар томонидан ўқилиши ва олинган натижалар маълумотлар базасига қайтарилиш имконияти. Маълумотлар базаси электротехник ҳисоблашлари бўйича қуйидаги талаблар

қўйилади: энергия сарфи ва исрофлар бўйича ҳисоблашлар электр таъминоти босқичлари бўйича қатъий изчилликда бажарилиши лозим, электр энергия сарфи ва исрофи электр ускуналарни технологик жараёндаги иштироки асосий технологик, ёрдамчи ишлаб чиқариш, ўз эҳтиёж бўйича алоҳида электр таъминоти босқичлари бўйича ҳисобланиши лозим, бир хил шартлар асосида бажарилган бир неча вариант натижаларини бир вақтда чиқариш ва таҳлилий маълумотлар жадвалларини шакллантириш; -маълумотлар базаси жадваллари ўртасидаги боғланишларни таъминловчи дастурлардан фойдаланиш. Юқорида белгиланган талаблар маълумотлар базасини структурасини, таркибий қисмларини ва ҳисоблаш услубиётини аниқлаб беради. Энергия ва ресурслардан оқилона фойдаланиш учун энергия хўжалиги раҳбарига қандай маълумотлар зарур бўлади: -ҳар бир цех ёки йирик истеъмолчи бўйича суткалик кувват истеъмоли графиклари; -энергия истеъмолчилари гуруҳлари бўйича (технологик, ёрдамчи, коммунал - маиший, ўз эҳтиёж) энергия истеъмоли бўйича маълумотлар; -электр энергияси сифати кўрсаткичлари бўйича маълумотлар; - қишлоқ хўжалиги бўйича умумий истеъмол графиклари ва энергетик кўрсаткичлар; -маҳсулот бирлигига сарфланаётган технологик, цех ва қишлоқ хўжалиги бўйича энергия сарфлари; -энергиядан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи таҳлилий маълумотлар ва услубий кўрсатмалар. Бундай тизимларни жорий этиш юқори самарадорликни таъминлашига қарамасдан Республикамизда бундай автоматлаштирилган узлуксиз назорат тизимлари ҳали жуда кам қишлоқ хўжаликларда қўлланилмоқда. Бунинг асосий сабаби, бундай тизимларни жорий қилиш жуда катта сарф-харажатларни талаб қилади. Шунинг учун, аксарият қишлоқ хўжаликларда энергия тежаш тадбирлари учун таҳлилий маълумотларни берувчи ахборот тизими ташкил этилмаган. Энергия ресурслар сарфини камайтиришга йўналтирилган бирламчи маълумотлар базасини ҳосил қилиш ва ундан энергиядан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил ва назорат қилиш учун зарурий маълумотларни ҳосил қилувчи алгоритмлари ишлаб чиқишни ҳамда энергия тежаш бўйича қарорларни қабул қилишда бу маълумотлардан фойдаланишни кўзда тутади.

Ахборот келиб чиқиш манбаига кўра ташқи ва ички ахборотга бўлинади. Ташқи ахборотга бошқарувнинг турли бўғинларидан келувчи йўриқномалар, меъёрий катталиклар, режалар, тўловлар ва ш.ў. киради. Бу маълумотлар энергия тежаш бўйича мақсад ва вазифаларни аниқлаштириб беради. Ички ахборотга кишлоқ хўжалиги бўйича маълумотлар киради. Булар, энергия истеъмоли бўйича кўрсаткичлар, технология ва энергетик ускуналар бўйича, ускуналарни ҳолати бўйича маълумотлар киради. Маълумотларга қўйиладиган асосий талаблар, унинг тўқислиги, аниқлиги, ҳаққонийлиги, оний қийматга эгаллиги, ишончлиги ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хашимов А.А., Имомназаров А.Т. Электромеханик тизимларда энергия тежамкорлик. Ташкент: 2005.
2. Каҳҳоров С.К., Мирзоев Д.П. ИЗУЧЕНИЕ КОММУТАЦИОННЫХ УСТРОЙСТВ эуропеан ссиенсе № 2 (51). Парт ИИ [6].
3. Дубровский В.С., Виестур У.Е. Метановое сбраживание сельскохозяйственных отходов. - Рига: Зинатие, 1988. 204 с. [4.55]
4. Имомов Ш.Ж., ХвангСанГу., Усмонов К.Е., Шодиев Э.Б., Каюмов Т.Х., «Алтернативное топливо на основе органики» Т., 2013 гг. 160 стр.[7.45]
5. Khamroyev G.F, To'ayev S.S. Efficient use of preparation aggregates for planting lands in a single pass with a straightening torsion work // материали міжнародної наукової конференції. (Т. 1), 12 червня, 2020 рік. Київ, Україна: МЦНД. 119-121 б.
6. Nurov KH, Khamroyev.G.F, Sirojev.J, Zayniyev.O, Mardonov.M, Преимущества технологии применения посевных машин универсал в бухарской области // The Way of Science. 2019. № 12 (70). Vol. II. – с. 62-64.
7. Г.Ф Хамроев, С.С Тураев. Выбор рабочего оборудования гидроцилиндра, установленного в комбинированном агрегате // Электронный журнал «Столица Науки» 2020. №3 МАЙ 5(22). <https://ftp.scientific-capital.ru/may2020/40052020.pdf>

8. FU Zhurayev, GF Khamrayev, AN Zhurayev. Technology of reclamation machines application in the conditions of irrigated agriculture // The Way of Science, 2014. №3. с. 32.

9. KN Sabirov, NS Hamroev, GF Khamroyev Prospects for the development of tourism animation activities // Экономика и социум, 2020. №11. – с. 335-338.